

Жадидларнинг маърифатпарварлик ва халқ маънавиятини кўтаришда тутган ўрни

Режа:

1. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши
2. Жадидлар илгари сурган ғоялар ва уларнинг мазмун
моҳияти
3. Жадидларнинг ўлка халқлари орасида олиб борган
маънавий ва маъданий фаолияти.

Янгилик ва ислохатчиликка интилувчи, янгилик яратувчи фаолият билан машғул бўлган тараққийпарвар, илғор рухдаги зиёлилар тарихда “Жадид” деб номландилар. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши бевосита ўша даврдаги ички ҳамда ташқи халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва вазият билан боғлиқ бўлди. Ижтимоий ҳаёт тарзининг муайян даврдаги ҳолати жамият аъзоларининг аксариятини қониқтирмай қолди. Натижада улар ижтимоий тузумни ўзгартириш ёки уни турғун, қотиб қолган ҳолатдан чиқариш учун ёки инқилоб қилиш ёки ислох этиш ҳаракатига тушадилар. Жадидларнинг юзага келиши ҳам муайян ижтимоий воқеъликдан қониқмаслик оқибатида содир бўлганди. Фан ва техника иқтисодий ва ҳарбий савия жиҳатидан ривожланиб кетган Ғарб давлатлари XVIII-XIX асрларда тараққиётнинг ўрта аср феодализм даражасида қолган Шарқни мустамлакасига айлантирди. Шу жумладан, Туркистон ҳам XIX асрнинг ярмига келиб Россия империяси томонидан забт этилиб, миллий зулм исканжасига тушиб қолди. Ўз эрки мустақиллигини

кайтириб олишни истаган мазлум халқлар вакиллари истеъдод занжирларидан қутилишнинг бир қанча йўлидан бормоқчи бўлдилар. Бирлари жаҳонгир Ғарб давлатлари исканжасидан халқларнинг диний мансублик туйғусини жўш урдирган ҳолда кураш майдонига кириб, озодликка эришиш мумкин, деб билдилар. Натижада тарихга “панисломизм” номи билан кирган Ғарб жаҳонгирлилигига қарши кураш ҳаракати юзага келди. Бошқалари мазлум халқларни этник жиҳатдан жипслаштириб миллий-озодлик йўлига кирмоқчи бўлдилар. Ғарбда “пантуркизм” деб аталувчи туркчилик ғояси, маълум даражада шу тарзда пайдо бўлди. Яна бирлари эса, мақсад фақат Ғарб жаҳонгирларининг истеъдод занжирларини парчалаб ташлашгина эмас, балки ўрта асрчилик жаҳолатидан қутилиш, ҳар жиҳатдан тараққий топган давлатлар даражасига чиқиб олиш ҳам дилдаги орзу бўлиши лозимлигини яхши англадилар. Булар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасидаги янги давр талабига жавоб беролмай қолган тузумларни ислоҳ этиш керак деб ҳисобладилар. Бундай кишилар жамиятнинг қайси табақасига мансублигидан қатъий назар, янгилик, тараққиёт маърифат ва маданият тарафдорлари бўлиб чиқдилар. Араб тилидаги “янги” маносини англатувчи “жадид” сўзи уларнинг ижтимоий атамасига айланди. Шу тариқа Миср, Туркия, Кавказ, Туркистон ва бошқа ўлкаларда жадидлар сиёсий оқим сифатида юзага келди

Туркистонлик жадидлар она Ватанларини мустақил озод ҳолда кўришни ўзларининг бош мақсадлари деб билдилар. Миллий-озодлик курашида қурол кучи билангина мувофақият қозониб бўлмасди. Бунга мисол: XIX аср охирида юз берган исён ва қўзғолонлар шаклидаги миллий-озодлик ҳаракатлари – Пўлатхон қўзғалони, Тошкентдаги “вабо исёни”, Фарғона водийси ҳамда Зарафшон водийсидаги миллий озодлик ҳаракатлари мағлубиятга

учради, исён ва кўзғалон иштирокчилари қаттиқ жазога гирифтор бўлдилар. Туркистон жадиidlари бундай шарoитда озoдликни кўлга кирита oлмасликларини, ибтидоий куруллар билан Россиядек зўровон ва маккор салтанат жангчиларидан кутилишлари мумкин эмаслигини яхши тушунганлар. Шу боис улар миллий истебдoдга тушиб қолишларининг сабабларини таҳлил этиб, уларнинг туб илдизини йўқ қилиб ташлаш лoзимлигини англаб етдилар. Натижада жадиidlарнинг халққа ҳамма нарсадан бурун маърифат бериш лoзим деган ғоя юзага келди. Шундагина халқ ўз аҳволига разм солиши қуллигини англаши миллий онги уйғониши мумкин эди ана шундан кейингина изчиллик билан миллий-озoдлик сари кураш олиб борса бўлар эди.

Жадиdчилик исломдаги тараққийпарварлик илм фанга раҳбар ва дунёвийликнинг янги даврдаги кўриниши сифатида пайдо бўлди. Жадиdчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ривожланган қуйидаги демократик, миллий-озoдлик ислоҳотчилик ҳаракатларининг таъсири ҳам кучли бўлди:

- XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб 1905-1907 ва 1917-йилларда катта ғалабаларга эришган рус социал демократик ва инқилобий ҳаракатлари ҳамда уларнинг Туркистонга тасири
- Жалолиддин Афғоний (1839-1897) ва Муҳаммад Абдолар(1848-1903) асос солган мусулмон дунёсидаги ислоҳотчилик ва “наҳда” (уйғониш) ҳаракатлари.
- Туркиядаги аксилмонархислик конституцион демократик ижтимоий миллий уйғониш ҳаракатлари: Танзимат, Ёш усмонлилар, Ёш турклар (1889-1918) ва (1908-1909) йиллардаги демократик инқилобий ҳаракатлар
- Жадиdчилик ҳаракатининг пайдо бўлиб ривожланишида Қримлик Исмоилбек Гаспиринский

(1851-1914) хиссаси беҳад катта бўлди у Қримда XIX асрнинг 80-йилларидаёқ Россия босиб олган мусулмон халқлари орасида биринчи бўлиб жади́дчи́ликга асос солди.

Жади́дчи́ликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик феодал қолоқлик, хурофатлардан озод қилиш, “Усули қадим”ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни, замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш туркий тилларга давлат тили мақомини бериш миллий қўшин тузиш ва бошқалардан иборат.

Туркистонда жади́дчи́лик миллий-озодлик кураши жараёнида юзага келган, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг дунёқарашида ватан парварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик, тараққийпарварлик каби ғоялар етакчилик қилган. Ўлкани зулмдан озод қилишни ҳамма нарсадан устун қўйдилар. Жади́д зиёлилари эрк, истиқлолга эришиш учун миллий онгни ўстириш зарурлигини пайқадилар. Шу орқали миллий уйғониш ясамоқчи бўлганлар. Буни эса таълим ва тарбияда-марифатда деб билдилар. Шунинг учун ҳам жади́длар янгича таълим ва тарбия тизимани қарор топтириш йўлида хормай толмай ишладилар.

XIX аср охири ва XX-аср бошларида бу ҳаракатни тарихий аҳамияти нихоятда катта бўлган. Бу даврларда жамиятнинг маънавий инқироzi чуқурлашган бўлиб миллий маданиятни кўтармай умуминсоний қадриятлардан бахраманд бўлмай маърифий ишларни кенг йўлга қўйган ижтимоий сиёсий, иқтисодий тараққиётга имконият яратиб

бўлмас эди. Жадинлар яъни маърифатчилар миллатнинг маънавий камолоти йўлида ўзининг бутун куч ва истедодини сафарбар этишга тайёр бўлагн фидоийлар эди.

Жадинлар миллатни қолоқлик, ҳурофот ботқоғидан олиб чиқиш учун ҳаракат қилар эканлар, бунда шароитга қатъий риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурганлар ва бу борада ўзлари амалий ҳаракат намунасини кўрсатганлар

Жадинчилик ҳаракати ўз мақсад моҳиятига кўра, дастлабки кундан бошлаб маъданий-маърифий ва сиёсий ислохотчилик ҳаракати бўлаган. Аммо ватанни озод ва обод қилиш, миллат ва халқни ҳуриятга олиб чиқиш тўқ ва фаровон маданиятли қилиш учун жадинлар асосий эътиборини маънавий ва маъданий ишларга қаратдилар.

Исмоилбек Гаспиринский 1884-йилда “Таржимон” газетаси орқали мусулмонларга қарата шундай мурожат қилади: “Суюкли дўстларим, бизнинг учун энг гўзал иш илм ва маъориф ишидур. Энг муқаддас интилиш илмга, маорифга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маънавий турмуш (цивилизация)га етишиш воситасидир”.

И.Гаспиринский 1884-йилда ўн икки болани янгича усул – “усули жадин” – савдия (товуш) усулида ўқитиб қирк кунда саводини чиқаради . У 1892-йилда Туркистон генерал губернатори Н.О.Розинбахга махсус мактуб йўллаб, унда мактабларни ислоҳ қилиш, жадин мактабларини ташкил этиш мадрасаларидан бирини замонавий олий таълимга мослаштиришни таклиф этади. Аммо бу таклифлар амалга ошмайди. Шунинг учун у 1893-йил Тошкентга келади ва зиёли уламолар билан учрашади. Самарқандда бўлади. У ердан Бухорога бориб амирни жадин мактабини очишга

кўндиради ва мактабга “Музаффария” деган номни беради. Жади́дчи́лик ғояси Туркистонда XIX-аср 80-йилларининг иккинчи ярмида тарқалган. Шу асрнинг 90-йиллари – XX асрнинг бошларида жади́дчи́лик мунтазам маънавий ва маданий ҳаракат сифатида пайдо бўлди

Жади́дчи́лик ҳаракати шу вақтгача ислом дунёсида сира ҳам кўринмаган илғор ва тезкор ўқитиш “Савтия” (товуш) усулига асосланган жади́длар мактаблари ташкил топишидан бошланди. Бу мактабларда болалар бир икки йилда тўла савод чиқариб мукаммал ўқиш ва ёзишни ўзлаштиради. Бунинг учун эса қадим анъанавий мусулмон мактабларида 5-6 йил ўқиш керак бўлар эди. Айтиш мумкинки, “Савтия” усулидаги жади́д мактаби Ватанимиз тарихидаги буюк кашфиётлар силсиласини бойитди.

Жади́д мактаби фақат ўқитиш усули жиҳатидангина эмас, балки, унда диний (илохий) ва дунёвий таълим тарбия ўзаро мўтадиллик асосида жорий этилиши, болалар эса қулай парталарда ўқитилиши дарсларда харита ва расмлардан фойдаланиши билан ҳам бутунлай янги мактаб эди . У кейинчалик ҳозирги замонавий миллий мактаб учун асос бўлди. Бу мактабларда шароит илмлари билан бирга математика, география, она тили, рус, араб тиллари, ашула ва жисмоний тарбия фанлари ўқитила бошлади.

Баъзи маълумотларга кўра 1903-йилда биргина Тошкентда бундай мактаблар сони йигирматага етган. Жади́д мактаблари, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Хива, Тўқмоқ, Янги Марғилон, эски Марғилон, Каттакўрғон, Қизил Ўрда, Туркистон, Чуст, Чоржўй, Термиз, Марв, шаҳарларида очилади.

Жади́дчи́ликнинг асосий масалаларидан бири оммага миллий матбуот ва журналистикани тарғиб қилиш ва

ривожлантириш эди. Туркистон жадинлари рус демократик ва инқилобий ҳаракатининг ютуқларидан ҳам самарали фойдаландилар.

Россия подшоси 1905-йил 17-октябрда махсус манифестга имзо чекиб, демократия, матбуот ва сўз, ҳар-хил йиғинлар ўтказиш эркинлигини жорий қилишга мажбур бўлди. Буни жадинлар катта қувонч билан кутиб олдилар. Чунки улар матбуот ва сўз эркинлиги халқнинг кўп йиллик орзу умиди, кундалик ижтимоий ҳаётини эҳтиёжига айлантирилганини жуда яхши билар эдилар. мана шунинг учун ҳам жадинлар миллат химояси учун жанговор қалқон ва муаззам минбар бўлган замонавий газета ва журнални ташкил этиш учун жуда шахдам курашдилар.

Нихоят, Тошкентда Исмоил Обидий “Тараққий” Мунавварқори Абдирашидов “Хуршид” Абдулла Авлоний “Шухрат”, Ахмаджон Бектемиров “Осиё”, Убайдуллахўжа Абдуллахўжаев “Садои Туркистон” газеталари шунинг дек, Абдурахмон содиқ ўғли “Сайёҳ” журналини нашр этишга муваффақ бўлдилар.

Жадид ғояларининг халққа ёйилиши сингиши ва амалий натижалар бериши учун уларнинг яна бир қирраларидан бири драматургия ва театр санъатидир. Шунинг учун ҳам жадид адибларининг аксарият йирик намоёндалари ўз ижодий ва амалий фаолиятини драма ёзиш ва театр билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар.

1917-йил октябр тўнтарилишигача драматургия соҳасида ўттиздан ортиқ драма, трагедия, комедия журналларида асарлар ёзилган ва уларнинг кўпчилиги театрларда сахналаштирилган. Ўзбек жадид драматургияси ва театрига илк бор асос солган адиб Махмудхўжа Бехбудий бўлди. Унинг “Падаркуш” драммаси

биринчи бор 1914-йил 27-февралда Тошкентдаги “Колизей” театрида қўйилиши жуда катта маънавий ва маданий воқеа бўлди. Бу кун ўзбек театрига асос солинган сана сифатида тарихга кирди. Шундай қилиб, миллий жаҳид адабиёти, драматургияси ва театри пайдо бўлди. Адабий танқидчилик ва бадиий таржимончилик ҳам шаклланди

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Жаҳидлар миллатни қолоқлик хурофот ботқоғидан олиб чиқиш учун ҳаракат қилар эканлар, бунда шариатга қатъий риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурганлар ва бу борада ўзлари амалий ҳаракат наъмунасини кўрсатганлар. Туркистонда жаҳидчилик ҳаракати маъданий – маънавий ва маърифий ҳаракатдан ислохатчилик ва сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилиб борган.